

ЖАДИДЛАРНИНГ МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ФАОЛИЯТИ ВА МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИКНИ ТИКЛАШ УЧУН ҲАРАКАТИ

Очилов Искандар Омонгалди ўғли

Урганч давлат университети

Ижтимоий-иқтисодий факультети 1-курс магистранти.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14519215>

Аннотация. Мақолада Туркистонда XIX аср охири – XX аср бошларида юзага келган жади́дчилик ҳаракати ва йўлбои́чиларининг илм-маърифат ва ёшлар таълим- тарбиясини янгилашга оид қарашлари, шунингдек жади́дларнинг илмий, маданий, маънавий-маърифий ва ижтимоий-сиёсий фаолияти кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: жади́длар, маърифат, таълим-тарбия, миллий матбуот, хайрия жамияти, миллий давлатчилик, Туркистон Мухторияти.

ПРОСВЕЩТЕЛЬНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ДЖАДИДОВ И ДВИЖЕНИЕ ЗА ВОССТАНОВЛЕНИЕ НАЦИОНАЛЬНОСТИ

Аннотация. В статье описывается джадидское движение, возникшее в Туркестане в конце XIX - начале XX веков, и взгляды его лидеров на обновление науки, образования и воспитания молодежи, а также научная, культурная духовно-просветительская, общественно-политическую деятельность джадидских просветителей.

Ключевые слова: джадиды, просвещение, образование, национальная пресса, благотворительное общество, национальная государственность, Туркестанская автономия.

THE ENLIGHTENMENT ACTIVITY OF THE JADIDS AND THE MOVEMENT FOR THE RESTORATION OF NATION-STATEMENT

Abstract. The article describes the Jadid movement that arose in Turkestan at the end of the 19th - beginning of the 20th centuries, and the views of its leaders on the renewal of science, education and upbringing of youth, as well as the scientific, cultural, spiritual, educational, and socio-political activities of Jadid educators.

Key words: Jadids, enlightenment, education, national press, charitable society, national statehood, Turkestan autonomy.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, республика ҳаётининг барча жабҳаларида туб ислохотлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Ўзбек халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаши миллий тикланиш билан боғлиқ жараёнларни чуқур идрок этишда миллий давлат қурилиши тажр ибасини илмий ўрганилиши, Ўзбекистонни янгилашни ва тараққиёт йўлидаги тажрибаларни умумлаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар замирида тарих фани ривожига ҳам янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “...Биз жади́дчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизниташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз.

Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади” [1]. Шунингдек 2023 йил 22 декабр куни бўлиб ўтган Республика Маънавият ва маърифат кенгаши йиғилишида ...“маърифатпарвар аждодларимизнинг мероси бугун биз кураётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти учун пойдевор бўлиб хизмат қилиши табиий”, – деди Шавкат Мирзиёев.

Ҳозирда тарих фани олдида турган муҳим вазифалардан бир и, совет ҳукмронлиги даврида Ўзбекистонда кечган жараёнларни чуқур таҳлил қилиш ва илмий асосланган хулосалар чиқариш ғоятда муҳим саналади. Хусусан, XX асрнинг 20-30 йилларида Ўзбекистон ижтимоий ҳаётига ҳукмрон мафқурани сингдиришда маданий-маърифий муассасаларнинг тутган ўрнини аниқ ва изчиллик асосида тадқиқ этиш муҳим илмий аҳамиятга эга.

Туркистонда XIX аср охири – XX аср бошларида юзага келган жади́дчилик ҳаракати Ватанимиз тарихида муҳим саҳифа очди. Ўша даврнинг энг илғор кучлари саналган жади́длар бир замонлар дунё цивилизациясига улкан ҳисса қўшган ўлка жаҳон тараққиётидан ортда қолаётганини теран ҳис қилиб, жамиятни тубдан ислоҳ этишга интилдилар. Туркистон ўлкасини мустамлака кишани ҳамда асрий қолоқликдан озод этиш, мазлум халқ қалбига маърифат зиёси ва эрк туйғусини сингдириш, жамиятга бахт йўлини кўрсатиш маърифатпарварларнинг бош маслаги эди. Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулхамид Чўлпон, Абдулла Авлоний каби ўнлаб хур фикрли тараққийпарварлар ана шу эзгу мақсад йўлида фидокорона курашдилар.

Жади́д намояндалари саъй-ҳаракати билан янги усулдаги мактаблар, нашриётлар, кутубхоналар, хайрия жамғармалари ташкил қилинди, газетава журналлар таъсис этилди.

Жади́длар орасидан етук олимлар, саноат ва зироатчилик соҳаларини замонавий билимдон мутахассислари, маданият арбоблари етишиб чиқиб, юртни обод ва Ватанни мустақил кўришни орзу қилдилар ва шу йўлда фидоийларча курашдилар. Жади́дларнинг Туркистон мустақиллиги учун курашида асосан қуйидаги йўналишлар устувор эди:

- янги усул мактаблари тармоғини кенгайтириш;
- қобилиятли ёшларни чет элга ўқишга юбориш;
- турли маърифий жамиятлар ва театр группаларини тузиш;
- газета ва журналлар чоп қилиш;
- халқнинг ижтимоий-сиёсий онгини юксалтириш билан Туркистонда миллий демократик давлат куриш.

Жади́длар ўзлари ташкил этган матбуотда ўз ғоя-фикрларини эълонқилиб, халқ орасида кенг маърифатчилик ишларини олиб бориб халқни «ҳар вақт ғафлат уйқусидан ўйғотувчи», «миллат онгининг очқичи» эканлигини намоён этиб ўлка аҳолисини хур фикралшга ва катта сиёсий курашга ҳозирлай олди. Бу даврда “Ерк”, “Турон”, “Маориф ҳаваскорлари”, “Тараққийпарварлар”, “Ўқитувчилар жамияти” каби уюшмалар пайдо бўлди.

Мунаввар қори Абдурашидхонов айтганидек, “Уларнинг бутун умиди Россиядаги инқилоб жараёнида маҳаллий аҳолини миллий, диний чеклаш ва жабрлашдан озод қилиш, уларнинг ҳақхуқуқларини европаликлар билан тенглаштириш, хилма-хил мактаб ва матбуот ишлари ҳамда турли-туман жамиятлар ташкил этишга кенг имконият яратиб беришга қаратилган эди”.

Жадидчилик ҳаракатининг етук сиймоларидан **Самарқандда** Маҳмудхўжа Бехбудий, **Тошкентда** Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Абдулла Авлоний, **Бухорода** Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев, Абдувоҳид Бурҳонов, Садриддин Айний, **Қўқонда** Ашурали Зоҳирий, Обиджон Маҳмудов, Ҳамза, **Оренбургда** Аҳмад Бойтурсун, Мирёқуб Дулат, **Андижонда** Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон, Саъдуллахўжа Турсунхўжаев, **Хоразмда** Полвонниёз хожи Юсупов, Бобоохун Салимовлар халққа зиё тарқатишда, миллий матбуотни ривожлантиришда ва миллий давлатчилик куришда кенг қамровли фаолият олиб боришди.

Жадидлар бу даврда “**озодлик, тенглик ва адолат**” шиори остида ишладилар.

Уларнинг 1916 йил мардикорликка олиш воқеасига муносабатиғоятда эътиборга моликдир. Жадидларнинг мардикорларни қайтаришга уринишлари Россияда 1917 йил феврал инқилоби бошланиши билан тўлаамалга ошди. Бу ҳодиса эл орасида уларнинг обрўсини кўтарди. Мазкур ҳолат жадидлар маърифатчиликдан ижтимоий-сиёсий ҳаракатга аллақачон ўтганликларини билдирар эди.

Жадид маърифатчиларининг эрқарварлик ва ташқи сиёсий ҳамда ижтимоий алоқалари тизимини ўрганишда Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ҳам аҳамияти юксак бўлганлигини эътироф этиб ўтиш керак. Маҳмудхўжа Бехбудий олим сифатида тарих фалсафаси нуқтаиназаридан тарихий қонуниятларни айримларини Туркистон тарихи мисолида кўрсатади. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Ойна” журнали, “Самарқанд” ва бошқа газеталарда ижтимоий-сиёсий соҳадаги ҳар бир мақоласини “Ўзбекистон тарихи”, “Жаҳон тарихи”, “Маданиятшунослик” ва бошқа фанларга тегишли бўлимларида, айниқса XIX асрнинг охири ва XX аср бошларидаги давр тарихини ўрганишда фойдаланиш мумкин.

Чунки Маҳмудхўжа Бехбудий олим сифатида Туркистоннинг тушқунлик ҳолатини сабабларини очиб бера олган. Шунингдек, Туркистоннинг оғир тушқунликдан чиқариш йўллари аниқ ва равшан кўрсатиб берган.

Жадидчилик ҳаракатининг муҳим фаолиятларидан бири миллий матбуот ва журналистикасига асос солиш бўлди. Жадидлар ўз даврида халқнинг саводхонлик даражасини оширмасдан, маданий ахлоқий жиҳатдан халқ онгини ривожлантирмасдан самарали натижага эришиб бўлмаслигини билар эдилар. Шу сабабдан ҳам асосий эътибор халқнинг ижтимоий-ҳуқуқий онгини оширишга қаратилган эди. Жадидларнинг маърифатчилиги асосан уч соҳа орқали тезкор тарзда тараққий топиб борди. Булар – **маориф** (янгича мактаблар очиш, таълим усулини янгилаш), **санъат** (бадий адабиёт, театр) ва **матбуот**. Пировард мақсад миллатни, бир томондан, илмли ва маърифатли қилиш бўлса, иккинчи томондан, унинг ахлоқий даражасини юксалтириш ва ана шу икки жиҳатнинг уйғунлашуви натижасида ўзлигини, ўз қадрини англаган билимли шахсни вояга этказиш эди. Туркистон маърифатчилари томонидан ана шу мақсадни амалга ошириш йўлида катта ишлар қилинди.

Жадидчилар асосий эътиборини жамиятда маънавиятни ривожлантиришга қаратдилар. Улар янги усулдаги мактабларни ташкил этиш, газеталар чиқариш, дарслик ва ўқув қўлланмаларини нашр эттир иш, Ғарбнинг янги маданият ва технология услубиятларини жорий этиш заруриятини ҳамда уни Туркистонда тарғиб этиш орқали миллий-дунёвий таълимни юзага келтириш, маънавий ҳаётни янгилаш ва бойитиш орқали миллий ўзлиқни англашни юксалтиришга замин яратишга интилганлар.

Бундай сиёсий ёндашув бевосита жамиятда адолатли-демократик давлат қурилишининг асосларини ривожланишига хизмат қиладиган назарий омиллар эканлигини эътироф этмасдан бўлмайди. Албатта, улар ўша тарихий даврда демократиянинг том маънодаги кўринишларидан узоқда бўлганлар.

1917-1918 йилларда Туркистон жадидлари миллий-маданий эмас, миллий-худудий мухторият қурилиши тамойилларини улкан ривожлантиришнинг амалий дастурларни, Туркистонда давлатчилик шакли ва уни бошқариш ваколатлари, барча соҳалар бўйича қонунларни жорий этиш, суд органларини ташкил қилиш, давлат тузилмаларини яратиб каби масалаларига катта эътибор бер ишган. Аммо, шу давр сиёсий шароити ҳамда ерли халқнинг тушунчасида Туркистонда мустақил демократик жамият қуриш тўғрисидаги қарашлари бир мунча чекланганлигини кўрамиз. Бехбудийнинг “Туркистон маданий мухторияти лойиҳаси” дастурида тўла мустақил демократик жамият тўғрисида эмас, давлатнинг автономия шакли назарда тутилади [2,146-б.]. 1917 йилдаги I-IV Умумтуркистон мусулмонларининг қурултойларида ҳам давлатчилик қурилиши тўғрисидаги қарашларда демократик ёки федер атив шакллари тўғрисида баҳс олиб борилади. Аммо, уларнинг демократия ва федер ация тўғрисидаги қарашлари ҳам аслида конституцион монархия тузумидан ташқарига чиқиб кетолмасди [3, 13-б.].

Айнан шу давр воқеа-ҳодисалари баёни, тафсилотлари ҳамда муваффақиятсизликнинг сабабларига Мустафа Чўқай “Истиқлол жаллодлари” асарида қўйидагича таъриф беради: “Бир инчидан, объектив омиллар: ...Биз курашга ўзимиз танлаган фурсатда эмас, Русия инқилоби жараёнини келтириб чиқарган вазият ижоботи билан киришдик. Иккинчидан, субъектив, яъни ўзимиздан бўлган омиллар: Миллий манфаатлар йўлида курашиш лозимлигини билганлари ҳолда туркистонликлар ўзаро кучли бирлик кура олмадилар ва бунга улгурмадилар” [4,6-б.].

Туркистон Мухториятининг ташкил топиши, унинг сиёсий фаолияти, сўнгра инқирози масалалари тарихчи ва адабиётшунос олимлари асарларида ўз ифодасини топган [5]. Жадидчилик аслида маърифатпарварлик ҳаракатининг кўриниши бўлиб, унинг намояндалари мамлакатни қолоқликдан чиқариш ва миллий тараққиётга эришишнинг маърифий йўлини кўрсатдилар.

Жадидлар ҳар хил хайрия жамғармаларини ташкил этиш, бой ва бадавлат кишиларнинг ортикча маблағларини миллат ва Ватан манфаати йўлида сарфлашга ҳам катта эътибор бердилар. Тошкентда 1909 йилда “Кўмак”, 1910 йилда эса “Тарбия атфол” ва Бухорода 1913 йилда “Дор уложизин” хайрия жамиятлари ташкил этилади. Уларнинг олдига қўйилган асосий мақсад сармоя топиб, жадид мактабларига ёрдам бериш ва иқтидорли ёшларни Туркия ва бошқа хорижий мамлакатларга ўқишга юборишдан иборат бўлди.

Шундай қилиб, хулоса ўрнида айтиш мумкинки, жаидлар Туркистон мустақиллигини авваламбор зиёли бўлиш орқали кўра олишган эди. Шунинг учун ҳам аксари ходисаларда оғир-босиқлик билан муносабатда бўлиб, имкон борича тинчлик йўлидан боришга интилишган. Жаидчилик ҳаракати намоёндалари ўз даврида Туркистонда бўлаётган ҳар қандай воқеаҳодисаларни босиқлик билан кузатиб, уларга ўз жавобларини бериб борганбўлсалар-да, халқни зинҳор ва зинҳор исёнга даъват этишмади.

Бунинг сабаби жаидлар билишардики, ҳар қандай исёнлар энг аввало мана шу халқнинг зарарига ишлайди ва албатта халқ турмушини оғирлаштиришга хизматқилади.

Жаидларнинг таълим ва ижтимоий ҳаётга доир илгари сурган фикрлари бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Шундай экан, биз жаид боболаримиз илгари сурган ғоялар асосида мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашимиз ҳамда янги-янги марраларни забт этиб боришимиз ҳақида ёш авлод орасида тушинтириш ишларини олиб бориш ҳам долзарб ҳисобланади.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Ислон цивилизацияси маркази қурилиши билан танишувда билдирилган фикрлар. 21 декабр, 2018 йил. <https://www.gazeta.uz>.
2. Бехбудий М. Туркистон маданий мухторияти лойиҳаси. Жаҳон адабиёти, 2003 йил, Август. Б.146.
3. Дўстқораев Б. Ўзбекистонда янги давлатчилик маърифати. Жамият ва бошқарув, 1997 йил, 2-сон. Б.13.
4. Чўқай М. Истиқлол жаллодлари. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1992. Б.6.
5. Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти: Миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. –Т.: “Маънавият”, 2000.–168 б.;
6. Агзамходжаев С. История Туркестанской автономии (Туркистон Мухторияти).Т.: Изд.-полигр.объединение«Тошкент ислом университети», 2006.–268 с.;
7. Қосимов Б. Миллий уйғониш. -Т.: Маънавият, 2002, Б.8.; Ражабов Қ. Туркистон Мухторияти вазирлари ҳамда Миллий Мажлис аъзолари ҳаёти ва тақдири.Т.: «BODOMZOR INVEST» оилавий корхонаси, 2021.– 92 б.;
8. Алимова Д. Жаидчилик феномени. – Т.: «Академнашр», 2022.–272 б.